

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 40 (8280).

23 февраль, 1984 йил • ПАЙШАНБА

Баҳоси 3 тийин.

ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИДА ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ

Совет кишилари КПССнинг тарихий XXVI съезди ишлаб чиққан мамлакатнинг иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг улғувур программасини изчил амалга оширмакдалар. Съезддан сўнг ўтган уч йил ишчилар ва деҳқонлар, халқ эиблилари съезд қарорларини ўз жонажон ишлари деб қабул қилганликлари, партия белгилаб берган йўлни — мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қура-тини мустаҳкамлаш, халқ моддий фаровонлигини ошириш, уни маънавий жиҳатдан бойатишга қаратилган йўлни тўла ва батамом қўллаб-қувватлаб келаятганликларида далолат бериб турибди.

Ҳозирги босқичда партия ва халқимиз фаолиятининг асосий мазмунини ривожлантиришнинг иқтисодий ва социал ривожлантиришдан иборат. Айни пайтда биз ҳал қиладиган ва ҳал қилишимиз лозим бўлган вазифалар ниҳоятда мураккаб ва кенг қамровлидир. Улар ҳар бир кишидан ишта ик-одий ёндашгани, юксак масъулиятни, онгли интизом, тинмай изланиш, янгилликларни қўллаб-қувватлаб кенг ёйи-ни талаб қилади.

КПСС XXVI съезди, партиянинг ундан кейинги Пле-нуумлари ишлаб чиқаришнинг интенсификацияси, экономика самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини ошириш, фан-техника тараққиётини жаддаллаштириш соҳасида олдинизга қўйган вазифалар муваффақиятлр бажаришмоқда. Бунини мамла-катимиз, республика ва областимиз экономикасининг ке-йинги уч йил ичидати тараққиёт суръатлари яққол кўр-сатиб турибди.

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юксак натижа-ларга эришганликлари, СССРни иқтисодий ва социал ри-вожлантиришнинг 1983 йилги Давлат планини муваффа-қиятлр бажарганликлари учун областимиздан ташқари Чирчиқ шаҳри, Бекобод району ҳамда бир қанча коллек-тивлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўч ма Қизил байроқлари билан мукофотландилар.

КПССнинг бутун фаолиятида социал сийсат жуда муҳим ўрин эгаллайди. Съезддан кейинги давр ичида аҳодининг деярли ҳамма табақалари, хусусан аёллар, болалар, пен-сионерлар манфаатлари йўлида катта тадбирлар амалга оширила бошланди. Шу вақт ичида қанчадан қанча оила-лар янги уй-жойларга қўй ўтдилар. Аҳоли турмуш ма-даниятини ошириш, шаҳар ва қишлоқларини ободонлашти-риш, медицина хизмати яхшилаш, меҳнатқилларнинг ишлаши, дам олиш ва жисмоний жиҳатдан чиниқлиш учун кўлай шароитлар яратишга доимий эътибор бериб келинамоқда.

СССР Озиқ-овқат программасини бажариш юзасидан қўйилган тадбирларнинг миқёси ҳам анча кенгайди. Бу программа совет кишиларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узулксиз таъминлашнинг имкони борича тезроқ ҳал этишга қаратилгандир. Мамлакатда бўлган каби област-и-мида ҳам агроановат комплексининг моддий-техника ба-заси мустаҳкамланмоқда. Уч йил ичиди қишлоқ хўжалиги-ни ривожлантиришга 650 миллион сўмдан кўпроқ маблаг сарфланди. Бу тадбирлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг кўпайтириш имконини берибди.

Пойтахт области қишлоқ хўжалик меҳнатқиллари маҳ-сулот етиштиришнинг йиллик ўртача ҳажминини ўзиничи беш йилликдагига нисбатан 13 процентга оширдилар. Дав-латта деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш бў-йича беш йиллик план ва социалистик мажбуриятлар йил сайин бажаришмоқда. Ўтган уч йилда областда беш йил-лик топиришнинг шакта етиштириш бўйича 10 процент, га-лла 18 процент, сабзавот 21, картошка 65, гўшт ва сўт топириш 3,4 процент зиедаси билан адо этилди. Кали-нини район меҳнатқиллари аса ўтган йиллик давлатга га-лла, картошка, узум сотиш бўйича ўн биринчи беш йиллик марраларини эгалладилар. Областимизнинг бошқа райо-нларида ҳам деҳқончилик ва чорвачилик бўйича ўн бири-нчи беш йиллик топиришларини 4—4,5 йилда бажариш учун социалистик мусобақа кенгайиб бормоқда.

Ишон ҳақида, унинг яшаш шароитларини яхшилаш, маънавий камолоти тўғрисида қайғуртиш партиянинг олий мақсда бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Бунини КПСС Марказий Комитетининг яқинидаги бўлган навбат-дан ташқари Пленуми яна бир бор тасдиқлади. Пленумда меҳнат унумдорлигини пландан билан 1 процент оши-риш ва маҳсулот таннанишнинг қўшимча равишида 0,5 про-цент қамайтиришдан олинандиган ҳамма ресурслар совет кишиларининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш-га, медицина хизматига, уй-жой қурилишга сарфлаш мақсдага мувофиқ эканлигини таъкидланди.

Пленум меҳнатқилларнинг икюдий ташаббусларини, новаторлигини моддий ва маънавий жиҳатдан яхшироқ рағбатлантириш вазифасини қўйди. КПСС Марказий Ко-митетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко Пленум-да сўзлаган нутқиди жумладан шундай деди: «Қундалик ишларда, иш ҳақи ва мукофотлар ҳақида, квартира ёки йўлнамаларини тақсимлаш ҳақида, тақдирлаш ҳақида гап бортганда адолатга ҳеч оғишмай риоя қилиниши — ҳул-лас, ҳамма нараса адолат юзасидан, ҳар бир кишининг умумий ишта қўйган меҳнат ҳиссасига мувофиқ бўлиши жуда муҳимдир. Зотан, бизнинг бундан буён олға қараб боришимиз оммангн ташаббуси, икюдий починлари, со-циалистик коллективизмининг қўдратли потенциаллини ҳа-ракатта келтириш, совет демократиясини янада ривожлан-тириш билан чамбарчас боғлангандир. Шу жиҳатдан СССР Олий Советига яқинлашаётган сайловлар, Ўзбеки-стон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юби-лейи муносабати билан бошланиб кетган ватанпарварлик ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва кенг ёйиш муҳимдир.

Партия, совет, касаба союз ва комсомол органлари иш-лаб чиқариш ва илмий-техника потенциалидан, социали-стик мусобақа имкониятларидан яна ҳам тўлиқроқ фойда-ланишлари лозим. Меҳнат унумдорлигини топиришдаги даражада ўсишини таъминлаётган, маҳсулот сифати-ни яхшилаётган, шартнома билан ва бююртмаларга му-вофиқ маҳсулот етказиб бериш лавлари, моддий ресур-сларини тежаш топиришларини бажараятган меҳнат кол-лективлари беш йилликнинг қолган икки йили ичиди ко-лоқликка барҳам беришлари, камчиликларини бартараф этишлари зарурдир.

Ҳамиша олға интилиш, ютуқлар қўламини янада ке-найитиш юзасидан партия қўрсатмалари беш учун қонуни бўлиб қолсин керак. Беш йилликнинг якуловчи босқичи-да олдинизда турган мураккаб вазифаларни ҳал этиш учун барча имконият ва резервларини ишта солишимиз лозим.

Партияимизнинг ленинча Марказий Комитети теварағида маҳкам жипслаган, КПСС XXVI съездида, Маркази Комитетининг кейинги Пленумларида ишлаб чиқилган аниқ ва равшан иш программаси билан қуролланган комму-нистлар, барча совет кишилари келажакка қатъий ишонч билан қадам ташламакдалар. Улар улуғ Ватанимизнинг тобора равнақ топилиши ўзларининг фидокорона меҳнат-лари билан таъминлашга азму қарор қилгандилар.

МАРТ
4
ЯҚШАНБА

СССР ОЛИЙ
СОВЕТИГА
САЙЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССРдан СССР ОЛИЙ СОВЕТИ МИЛЛАТЛАР СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

22 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон ССРдан СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи сайлов комиссиясининг Б. Жўраева раислигида навбатдаги мажли-си бўлиб ўтди. Республикада СССР Олий Советига сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар кў-риб чинилди.

Мажлисида айтилдики, барча совет кишилари сингари Ўзбе-кистон меҳнатқиллари ҳам КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль Пленумининг ўртоқ К. У. Черненко КПСС Марказий Комитети Бош секретари қилиб сайлаш тўғ-рисидаги қарорини ақидилик билан қўллаб-қувватламоқда-лар ва маъқулламоқдалар.

Комиссия СССР Олий Со-вети Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи 117-Тошкент—Ок-тябрь сайлов округи сайлов комиссияси раиси А. А. Хў-жаеванинг сайловга тайёргар-ликнинг бориши тўғрисидаги докладыни тинглади. Шу ма-сала юзасидан комиссия аъзо-лари Ш. Н. Махмудова, С. Ка-римова, Т. Раимова берган ах-боротлар ҳам тингланди.

Докладыда ва музокараларда айтиб ўтилдики, барча совет халқи сингари Ўзбекистон меҳ-натқиллари ҳам мамлакат дав-лат ҳокимияти олий органига ўтказилаётган сайловга баланд рух билан тайёргарликмоқдалар. КПСС Марказий Комитети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг барча сайловчи-ларга муружатини уларнинг рағбатига тайрат қўшди.

Мажлисида СССР Олий Со-вети депутатлигига номзод-ларни рўйхатга олиш жуни-ла-

ри муҳокама қилинди. Сайлов комиссияси комиссиянинг сек-ретари В. В. Окунский берган ахборотини тинглаб, Ўзбеки-стон ССРдан СССР Олий Со-вети Миллатлар Совети депутат-лигига номзодлар 32 та округ-нинг ҳаммасида рўйхатга олинганлигини маълумот учун қабул қилди.

Ишлаб чиқариш ишгорлари ва новаторлари, халқ зиёли-

ларининг вакиллари, партия ва совет ходимлари ялпи кў-таринки вазиятда СССР Олий Совети Миллатлар Совети де-путатлигига номзодлар қилиб рўйхатга олинди.

Ўзбекистон ССР Олий Со-вети Президиумининг секретари Г. К. Ҳайдарова сайловчилар рўйхатининг тузиш ишининг якунлари тўғрисида ахборот берди. Халқ депутатлари ша-ҳар, шаҳарлардаги район, по-сёлка ва қишлоқ Советлари-

нинг ижроия комитетлари сай-ловчиларнинг рўйхатларини СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги қонунда кўрсатил-ган муддатларга мувофиқ ўз вақтида тузиб чиқиб, уларни ҳамма ерда 12 февраль куни ялпи танлиш учун тақдим этганликлари маълумот учун қабул қилинди. Махаллий Со-ветларнинг ижроия комитетла-рига ҳовлиларда, квартиралар-да бўлиб, сайловчиларнинг рўйхатларини аниқлаш, рўй-хатдан биронта ҳам граждани тушиб қолмаслиги тавсия этилди.

Ўзбекистон ССР алоқа ми-нистрининг ўринбосари М. Ш. Зоҳидов алоқа органлари сай-ловнинг бориши ҳамда сайлов натижалари тўғрисидаги маъ-лулотларни қабул этиш ва юрборишга тайёр эканликлари-ни маълум қилди.

Кўриб чиқилган ҳамма ма-салалар юзасидан тегишли қа-рорлар қабул қилинди.

Комиссия мажлисида рес-публиканнинг бир қанча ми-нистриклари ва идоралари, Тошкент шаҳридаги район иж-роия комитетларининг раис-лари, матбуот, телевидение ва радио вакиллари қатнашдилар.

БАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Советлар мамлакатининг Куролли Кучлари социали-стик Ватан, Ер юзиди тинч-лик посбонлигида мустаҳ-кам турибдилар. 22 фев-раль куни Тошкентда Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кўнига бағишланган тантанали йиллиш бўлиб ўтди. Йиллишини Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров очди.

Совет Иттифоқи Комму-нистик партияси ленинчи Марказий Комитетининг Сийсий бюроси баланд рух билан йиллиш фахрий ре-зидумига сайланди.

(ЎзТАГ).

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БҲЙРУҒИ

1984 йил 23 февраль

№ 45

Москва шаҳри

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар! Прарошчик ва мичман ўртоқлар!

Офицер, генерал ва адми-рал ўртоқлар!

Совет Куролли Кучлари-нинг ветеранлари, ўртоқлар! Бутун совет халқи, СССР Куролли Кучларининг жанг-чилари Совет Армияси билан Ҳарбий-Денгиз Флоти-нинг 66 йиллигини тантана-ли нишонлайдилар.

В. И. Ленин, Коммуни-стик партия тузган СССР Ку-ролли Кучлари қаҳрамонона жангловар йўлни босиб ўтди-лар. Улар икчи ва ташқи душманларга қарши шиддат-ли жангларда Улуғ Октябрь габабаларини ҳимоя қилди-лар, Улуғ Ватан урушининг дахшатли йилларида жаҳон империализмининг зарбдор кучлари устидан тарихий га-лаба қозондилар, Ватанимиз озодлиги ва мустақиллигини шараф билан қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар, халқларни фашизм қуллигиндан ҳалос этишга ҳал қилувчи ҳисса қўшдилар ва бутун тараққи-ларвар инсониятнинг тахси-нига сазовор бўдилар.

Ленин партияси, унинг

Марказий Комитети тевара-ғида маҳкам жипслаган Со-вет Куролли Кучлари энди-ликда ўзининг ватанпарвар-лик ва интернационал бур-рини муносиб бажармоқда-лар, тинчлик ва социализм посбонлигида сергап турибди-лар.

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь Пленуми, СССР Олий Совети тўқ-қинчи сессияси қарорлари, мамлакатнинг қонуни чиқар-увчи олий органига бўла-жак сайлов тўғрисида совет кишиларининг юксак сийсий активлиги ва меҳнат ғайра-ти жўш урган вазиятда ни-шонланмоқда.

КПСС Марказий Комите-тининг навбатдан ташқари 1984 йил февраль Пленуми партиянинг бундан буён ҳам коммунистик бунёдкорлик-нинг тўғри ленинча йўлидан бораверишга, икчи ва ташқи сийсатини амалга оширишга, КПСС XXVI съезди ўртага қўйган вазифаларини ҳал этишда давомийлигини таъ-минлашга азму қарор берган-лигини бутун мамлакат ол-дида, бутун дунё олдида тас-

БУГУН СОВЕТ

АРМИЯСИ ВА

ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ

ФЛОТИ КУНИ



ТИНЧЛИК ВА СОЦИАЛИЗМНИНГ ИШОНЧЛИ ПОСБОНИ

АРМИЯ ГЕНЕРАЛИ И. ШКАДОВ, СССР МУДОФАА
МИНИСТРИНИНГ ЎРИБОСАРИ, СОВЕТ ИТТИФОҚИ
ҚАҲРАМОНИ

СССРнинг қуролли ҳимоячи-лари совет халқи билан як-дил бўлиб, унинг ишлари ва муддодларини қўлаб яша-моқдалар. Коммунистик пар-тия теварғида маҳкам жипс-лашгани, унинг икчи ва ташқи сийсатининг астойдил қўллаб-қувватлаётгани совет Куролли Кучларининг жангчилари хал-қимизнинг улғуву габабалари посбонлигида сергап туриши, Ватанимиз мудофаа қудратини фидокорона ҳарбий меҳнат билан мустаҳкамлашнинг ўз ва-зифалари деб биледилар.

Совет жангчилари ўзлари-нинг бутун куч ва ғайратлари-ни СССР мудофаа министри янги ўқув йили учун қўйган вазифаларини бажаришга серф-ламоқдалар.

Шахсий состав қурол ва тех-ники, замонавий жанг санъ-атини себат билан эггалламоқ-да, дало, ҳаво ва денгизда ма-ҳоратини тақомиллаштири-моқда.

Армия ва флотда «социа-лизм габабаларини ҳимоя қи-лишга сергаплик билан доим-шай турарлик!» шiori остида-ги социалистик мусобақа кенг қўлоч ёзган. Қизил Байроқ ор-денли, Суворов ва Кутузов орденли мот ўқчи проскурво-чи полкининг (командири май-ор А. Столяров), ракета қис-мининг (командири подпол-ковник А. Павлов), осмон ҳу-жумидан мудофаа Қизил Бай-роқ орденли, Суворов, Куту-зов ва Богдан Хмельницкий орденли Смоленск гвардиячи

зенит ракета полкининг (ко-мандири гвардия подполков-ниги В. Нечев), кўш орденли гвардиячи кирвчи авиация полкининг (командири гвар-дия подполковниги Ю. Темни-ков), Қизил Байроқ орденли «Киров» атом ракета крейс-ерининг (командири I ранг ка-питани А. Ковальчук) шахсий составлари социалистик мусо-бақа байрогини янада баланд-роқ кўтариш, жангловар шай-лини янада ошириш, Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан уру-шидаги габабаси ақинлашиб келаятган 40 йиллигини муно-сиб кутиб олиш учун янада активроқ куралишга қаридилар.

Жангчилар ўтган йилларнинг тажрибасига, совет Куролли Кучларининг қаҳрамонона та-рихи йилларида юзага келган шонли аъаналарга таяниб ҳарбий маҳоратини чўққилари сари интиломоқдалар.

Совет Куролли Кучлари — Улуғ Октябрь социалистик ре-волюциясининг фарзандидир. Улар ишчилар синфи, барча меҳнатқилларнинг револю-цион аъаналарини ўзларига синдириб олиб, қолиб проле-тарият давлатини, унинг социа-листик габабаларини ағрес-сорларнинг ҳаммаларидан ҳи-моя қилиши таъминлайдиган янги тинчлик армия бўлиб ка-мол топди.

Сулҳ тўғрисидаги декрет Совет ҳокимиятининг «бирин-чи давлат ҳужжати бўлган эди.

[Давоми 4-бетда].

бундан буён ҳам гамхўрлик қилаверамиз.

Армия ва флот жангчилари, ўртоқлар!

Куролли Кучларининг ве-теранлари, ўртоқлар! Сизларни умумхалқ байра-ми—Совет Армияси ва Ҳар-бий-Денгиз Флоти куни би-лан табриклияман!

Куролли Кучларининг бу-тун шахсий составига жанго-вар ва сийсий тайёргарликда, ҳарбий маҳоратини тақомил-лаштиришда, интизом ва ушшоқлигини мустаҳкамлаш-да янгида-янги муваффақи-ятлар тилайман!

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 66 йилли-гини нишонлаш юзасидан БУЮРАМАН:

1984 йил 23 февраль ма-ҳаллий вақт билан соат 21 да Ватанимиз пойтахти — қа-ҳрамон шаҳар Москвада, иттифокдош республикалар-

нинг пойтахтларида, қаҳра-мон шаҳарлар — Ленинград, Волгоград, Одесса, Севасто-поль, Новороссийск, Керчь, Тулада, қаҳрамон қалъа — Брестда, шунингдек Кали-нинград, Львов, Ростов-Дон, Куйбишев, Свердловск, Ново-сибирск, Чита, Хабаровск, Владивосток ва Североморск-да байрам мушакбозлиги ўт-казилсин.

Яшасин Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 66 йиллиги!

Яшасин қаҳрамон совет халқи ва унинг шавкатли Куролли Кучлари!

Барча габабаларимизнинг илҳомини ва ташкилотчи-ни Совет Иттифоқи Коммуни-стик партиясига шон-шараф-лар!

СССР Мудофаа министри Совет Иттифоқи маршали Д. УСТИНОВ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ,
СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети улғуву сўз ёзувчи, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий Со-ветининг депутати, СССР Ёзувчилик союзи правленисининг секретари, СССР Фанлар академиясининг академиги, ик-ки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукоф-оти ва СССР давлат мукофотининг лауреати Михаил Алек-сандрович ШОЛОХОВ узоқ давом этган оғир касаллидан кейин 1984 йил 21 февралда 79 ёшида вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

КПСС XXVI СЪЕЗДИ
ОЧИЛГАН КУНИНИНГ
УЧ ЙИЛЛИГИГА

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ БОШ ВАЗИФАСИ

ШАҲАР КАМОЛОТИ

Ҳақикатан ҳам беш йилликнинг бошида республикамиз ҳар қандай областга бўйсунувчи яна бир шаҳар — Наримонов шаҳри пайдо бўлди. Ушандан буён ўтган уч йил мобайнида шаҳримизда ишлаб чиқариш кучларининг ривожлантириш, меҳнаткашлар турмуш шароитларини янада яхшилаш, қурилиш қўламининг кенгайтириш соҳасида катта тadbирлар амалга оширилди.

Шаҳримизда янги-янги саноат корхоналари ишга тушмоқда. Қурилиш ташкилотлари ташкил этиляпти, ишлаб чиқариш қувватлари кўпаймоқда. Беш йиллик бошидан бери саноатчиларимиз маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 30 процентдан ҳам кўпроққа оширилди. КПСС XXVI съезди қарорлари асосида кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилди. Агар 1982 йилда шаҳримиздаги фақат 7 та саноат корхонасида ана шундай моллар ишлаб чиқариладиган бўлса, ҳозир барча завод ва фабрикалар аҳоли учун товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирилган. Бир йилнинг ичида кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш 27 процентга ортди.

Шаҳарни иқтисодий ва социал ривожлантириш узвий ботлиқ ҳолда олиб боришмоқда. Бир-икки йил ичида Наримоновда бўлмаган кишилар бу ерда рўй берган катта ўзгаришларни дарҳол пайқайдилар. Ҳозирги пайтда шаҳримизда йиллик жамоат маркази барпо этилди. Водник ва Набережный микро районларининг чегаралари анча кенгайди. Фақат ўтган йилнинг ўзида қурувчиларимиз 6 минг квадрат метрдан кўпроқ турар-жойларни фойдаланишга топширдилар. Наримоновда янги манший хизмат кўрсатиш уйи қад кўтарди. Давлатга қарашли турар-жойлардаги квартираларни газлаштириш ниҳоясига етди.

Ҳақикатан ҳам беш йиллик бошидан буён савдо ва умумий оқватланиш корхоналарини тармоқлари анча кенгайди. Биз аҳолига манший хизмат кўрсатишни янада яхшилашга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Шаҳар манший комбинати «Зангори экран», «Техсложбтирибор», «Тозалик», «Облфото» ихтисослаштирилган бирлашмаларининг филиалларига эгадир.

Ҳозирги пайтда шаҳримиздаги учта умумий таълим мактабидан ташқари музика ва спорт мактаблари ҳам ишлаб турипти. Умумий таълим мактабларида 31 та кунини узайтирилган гуруҳга таъкил этилган. Уларга 930 ўқувчи жалб қилинган. Мазкур ўқув йилида ишчи-ёшлар

ЮКСАЛИШ ОДИМЛАРИ

ишлаб турипти. Ўтган йилнинг ўзида учта медицина пункти очилди. Соғлиқни сақлаш ходимлари мазкур ўқув йилида шаҳримиздаги барча мактабларда тиш даволаш кабинетлари очдилар.

Шаҳримиз аҳолисининг маданий эҳтиёжларини қондириш учун зарур чоралар қўрилмоқда. Ҳозир Наримоновда шаҳар маданият уйи, 5 та касба соҳа клуби, 16 та қизил бурчак, 40 минг нуска китоб фондига эга бўлган 4 та кутубхона ишлаб турипти.

Наримоновни янада гузал ва обод қилишда, аҳоли эҳтиёжларини тўлиқроқ қондиришда шаҳар Совети депутатлари фаоллик кўрсатмоқдалар. Маҳаллий Советларга бўлиб ўтган сайловлардан бери шаҳар Совети депутатларига берилган 55 наваздан аксарият кўпчилиги бажарилди. Шаҳарни социал ривожлантиришда депутатларимиздан И. Пророков, Ш. Исмоилов, А. Масанов, Р. Наримов, А. Муллабоев, Л. Мирзаахмедова ва бошқалар

● Ҳақикатан ҳам беш йилликнинг уч йили мобайнида Тошкент шаҳри ва областда 4,5 миллион квадрат метр саҳли турар-жойлар, 81 минг ўқувчи ўрни бўлган мактаблар, 24 минг ўринли мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, 6 минг беоморни қабул қилишга мўжжалланган поликлиникалар, 3 минг қойқали касалхоналар, бошқа маданий-манший объектлар фойдаланишга топширилди.

● Давлат ва кооператив савдосининг чапига товар

ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

КПСС XXVI съездида социал таъминот системасини янада такомиллаштиришнинг кенг программаси қабул қилинган эди. Ҳақикатан ҳам беш йилликда шу мақсадларга қўшимча равишда қарийб 6 миллион сўм ажратилди.

Белгиланган тadbирларга кўра колхозчилар ва давлат корхоналари ходимларининг социал таъминот даражасини тобора тенглаштириб бориш, аввал белгиланган пенсиялар миқдорини ҳозирги вақтда белгиланаётган пенсиялар миқдорига яқинлаштириб бориш, болали оилаларга давлат ёрдамини қўяйтириш, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ҳамда урушда ҳалок бўлган жангчилар оилалари турмуш шароитларини яхшилаш учун зарур чораларни қўриш, меҳнат ветеранларини тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш, меҳнатга лаёқатли пенсионерлар меҳнатини моддий рағбатлантириш формаларини такомиллаштириш давом эттирилди.

Партия ва давлатимизнинг совет кишилари тўғрисидаги ғамхўрлигини областимиз мисолида ҳам яққол кўрса бўлади. Ҳозирги пайтда пойтахт областда 295 минг киши пенсия ва нафақалар олади. Фақат ўтган йилнинг ўзида областимиз меҳнаткашлари турмуш фаровонли-

ИЖТИМОИЙ ИСТЕЪМОЛ ФОНДЛАРИ КЎПАЙТИРИЛСИН, СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ... БОЛАЛИ ОИЛАЛАРИНИНГ ТУРМУШ ШАРОИТЛАРИ... ЯХШИЛАНСИН.
(КПСС XXVI съезди материалларидан).

лик пенсияси оладиган 8156 киши, буювчисини йўқотганлик учун пенсия оладиган 13 минг 405 гражданининг пенсияси миқдорлари оширилди.

1982 йил охиридан бошлаб бир корхона, ташкилот ва муассасада узлуксиз иш стажига эга бўлганлиги учун қариллик пенсиясини 20 процентга ошириш соҳасидаги тadbирлар амалга оширилди. Бу тadbир туфайли ҳозирга қадар 8137 киши пенсияси кўпайтирилди. Умуман, 1981 йилдан бери областда 49 мингдан зиёд кишининг пенсия миқдори оширилди.

Ватанимизда она ва бола манфаатларини муҳофаза қилишга, айниқса, катта эътибор берилди. Давлат оналарга ўз фарзандларини ўстириш ва тарбиялаш учун катта ердан қўрсатди. Жумладан, областимизда ўтган йил охиридан бошлаб оналарга ойига 35 сўмдан нафақа бериладиган бўлди.

Социал таъминот ходимлари Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ҳамда урушда ҳалок бўлган жангчилар оила-

ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ БОШ ВАЗИФАСИ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ БАРҚАРОР, ТОБОРА РИВОЖЛАНТИРИШ, ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВА ЭКОНОМИКАНИ ИНТЕНСИВ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИГА ЎТКАЗИШ, МАМЛАКАТНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПОТЕНЦИАЛИДАН ЯНАДА ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ, РЕСУРСЛАРНИНГ ҲАММА ТУРЛАРИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ТЕЖАШ ВА ИШ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ АСОСИДА СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШНИ ТАЪМИНЛАШДАН ИБОРАТ.

(КПСС XXVI съезди материалларидан).



Г. САПЛИН, халқ депутатлари Наримонов шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси.



● ЧИРЧИҚ шаҳрининг кимёчилари, металлургалари, бинокорлари КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини изчил ҳаётга тadbир этишмоқдалар, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажармоқдалар. Улар самаралар меҳнат қилиш билан бир қаторда маданий оқартув муассасалари, спорт заллари ва майдонларида мириқиб ҳордиқ чиқармоқдалар, жисмоний жиҳатдан чиникитилар.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) шаҳардаги 7-кутубхонанинг ўқув залида. Чирчиқликлар бу ерда 40 минг нухадан ортиқ адабиётлар билан танишиш имкониятига эгадирлар; (пасда) Ўзбекистон кишини эрийдиган ва ўтга чидамли металл комбинати маданий саройининг «Шалол» ансамбли; (ўртада) чирчиқлик халқаро классли спорт мастери Фотима Галиуллина. У велосипед спорти бўйича СССР терма командаси сафида ёзи олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўрмоқда.

В. Портнов фотолари.

● Ҳозирги пайтда 730 мингдан ортиқ квартиралар газлаштирилган, 1983 йилнинг ўзида газлаштирилган квартиралар сон 22,4 мингга, шу жумладан қишлоқ жойларида 5100 тага кўпайди.

● 1983 йилда кунини узайтирилган мактаблар ва гуруҳларда 230 мингдан ортиқ бола тарбияланди. 260 мингдан кўпроқ кичкинтойлар доимий ишлайдиган боғча ва яслиларда тарбияланмоқда.

● Областимиздаги клуб

муассасаларининг сони 694 тага, кино қўрилмади 956 тага етди. Уч йил ичида клуб муассасаларининг сони 37 тага, киноқўрилмалар 156 тага кўпайди.

● Областимиз аҳолисига 20 мингга яқин врач, 49,6

минг ўрта медицина ходими тиббий хизмат кўрсатмоқда. Оммавий кутубхоналар сони 1000 тадан ошиб кетди, улардан 671 таси қишлоқ жойларидадир. Улардаги китоблар фонди 18,572 минг нухасини ташкил этади.

Б. УТЕЕВ, Оржоникидзе районидagi Оржоникидзе номили совхозининг бригада бошлиғи.

ЭЛГА МАНЗУР ЛИБОСЛАР

АҲОЛИНИ ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛАДИГАН МОЛЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА... БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ АҲАМИЯТ БЕРИЛСИН.
(КПСС XXVI съезди материалларидан).

монавий талабларга жавоб беради.

Биргина ўзининг беш йилликнинг ўзида серурум маллиналар сонини кўпайтириш мақсадида цехларда Италиядан келтирилган кўп игнали тугма қадаш машиналари, Германия Федератив Республикаси курилмалари ўрнатилди. Шу тарихга жами 468 дастоҳ янгиланди. Уларга хизмат кўрсатиш бирмунча қўлай бўлганлиги сабабли 56 нафар ишчинини бошқа участкаларга

ўтказиш имкони туғилди. Эндиликда бу техник-ташкилий тadbирлар ўз самарасини кўрсатяпти. Аҳоли дидага мос кўпала пальтолар тилиб берайимиз.

Қўлга киритилган ютуқлар қувончли, албатта. Лекин бу ҳам имкониятларимизнинг чегараси эмас. Шунинг учун ҳам коммунистларимизнинг таклифига кўра 1984—1985 йилларда юқори сифатли кенг истеъмол буюмларини кўпала тайёрлаш программаси ишлаб чиқилди. Оширилган социалистик маж-

буриятлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланди. Шунга кўра келгуси икки йилда янги техника ва илгор технология бўйича 10 тadbир ишлаб чиқаришга жорий этилади. Бу янгилликлар жами 210 минг сўмлик иқтисодий самара бериш ҳисоблаб чиқилган. Ҳозирнинг ўзида янги маҳсулотимизнинг қарийб 60 проценти давлат Сифат белгиси билан тайёрланапти. Белгиланган техник тadbирлар ҳеч оғинмай амалга оширилиши маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини янада яхшилаш билан бирга халқ истеъмол буюмларининг кўпайишига олиб келади. Бу эса КПСС XXVI съездида биз — энгил саноат ходимлари олдида қўйилган вазифаларга амалий жавобимиз бўлади.

Х. СОЛИХОВА, Тошкентдаги «Қизил тоғ» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг мастери.

БУНЁДКОРЛИК МЕХНАТИМИЗ—ВАТАНГА

Сайловчиларнинг В. И. ДОЛГИХ билан учрашуви

Красноярск меҳнат коллективларининг номанда-ри — машинасозлар ва энергетиклар, химиклар ва қозғош ишлаб чиқарувчилар, курувчилар ва металлургия 21 февраль кунини опера ва балет театрига тўлдирди. Бу ерда Ленин сайлов округи сайловчиларининг СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод, КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Владимир Иванович Долгих билан учрашуви бўлди.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — «Сибтжаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари А. А. Савин В. И. Долгихнинг ҳаёт йўлини гапириб берди ва сайловчиларни 4 март сайлов кунини коммунистлар билан партиясизлар бунёдлаган буюм-бичимларнинг номзодлари учун овоз беришга чақирди.

Нотиклар КПСС Марказий Комитетининг навабдан ташқари Пленуми қарорларини яқинда билан маълумлашди. Долгихнинг айтишича, жонажон Коммунист партияга астойдил ишониларини, унинг ички ва ташқи сийёсатини тўла-тўқис қўллаб-қувватлашларини билдирди.

Сўнгра Янгиланган ахли самийи кутуб олган В. И. Долгих нутқ сўзлади. У мамлакатда кенг қўлчанган сайловдан кампанияси ҳақида, бу кампаниянинг эҳтиётимиз-сийёсий аҳамиятини тўғрисида, сайловга тайёргарлик қандай ички ва халқаро вазиятда ўтказилганлиги ҳақида гапирди.

Яқинда, деди нотик, партия, бутун совет халқи оғир жудликка учради. Атоқли сийёсий арбоб, тинчлик ва

коммунизм учун матонатли курашчи Юрий Владимирович Андропов оламдан ўтди. Мамлакат коммунистлари, барча меҳнаткашлари унинг порлоқ хотираси қаршида бош эгиб, ўз сафларини КПСС ленинчи Марказий Комитети тевариғида яна ҳам маҳкамроқ жипслаштиришмоқдалар.

Партиянинг бирлиги, унинг халқ билан чамбарчас боғлиқлиги ҳамisha куч-қувватининг битмас-туганмас манбаи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. КПСС Марказий Комитетининг навабдан ташқари Пленуми партиянинг мустақам жипслигини ишончли тарзда тасдиқлади. Константин Устинович Черненко бир овоздан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайлади. Коммунист партия, совет халқи К. У. Черненконинг атоқли партия ва давлат арбоби эканлигини билди. Партия ишончли топширган ҳамма лавозимларда унинг ташкилотчилик истеъдоди, чуқур билими ва тажрибаси, партиявий принципларини, одамларга сезгир, эътиборли муносабатини яққол намойиш қилди.

Сўнгра нотиқ мамлакат иқтисодий потенциалини ошириш, аҳоли фаровонлигини ўстириш, муҳофаа кудратини кучайтириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган конкрет вазифалар тўғрисида гапирди.

Красноярск ўлкасининг меҳнаткашлари, деб уқитди депутатликка номзод, санаотда меҳнат унумдорлигини белгиланган топшириқдан ташқари 1,2 процент ош-

ири ва маҳсулот таннаркини қўшимча 0,6 процент арзонлаштириш, ишлаб турган корхоналарда ишлаб чиқаришнинг бутун ўсишини ишловчилар сонини кўпайтирмаган ҳолда таъминлаш юзасидан социалистик мажбурий қабул қилди.

В. И. Долгих КПСС XXVI съездининг йўл-йўриқларига биноан ишлаб чиқилган СССР энергетика программасини амалга ошириш масалаларига тўхталди. Бу программа халқ ҳўжалигини муттасил ривожлантириш, уни интенсив ва энергия тежандиган йўлга ўтказишни жадаллаштириш таъминлаш лозим.

Сўнгра депутатликка номзод асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш, ҳўжалик механизмининг, қурилиш, транспорт инштини тақомиллаштириш, Ошқ-овқат программасини амалга ошириш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш масалаларига тўхталди.

В. И. Долгих ленинча ташқи сийёсатни изчиллик билан ўтказиш, КПСС XXVI съезди саноатини йилларга мўлжаллаб олган сўнгра тинчлик программасини амалга ошириш, Совет Иттифоқининг партия сайловидан платформасининг гўт муҳим таркибий қисми эканлигини тўғрисида гапирди.

Пировардида депутатликка номзод Ленин сайлов округи меҳнаткашларига ўзига қўйилган юксак шараф учун сийдиқилган миннатдорчилик билдириб, юксак ишончли оқлайман, бутун кўчинини коммунист қурилиш ишига бағишлайман, деб ваъда берди.

(ТАСС).

ТЕХНИКА МАВСУМГА ТАХТ

ЧИНОЗ районидagi Охунбобоев номли колхоз меҳнаткашлари бу йил мавжуд 1485 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш учун айни кунлардан қизғин тайёргарлик кўришяпти. Ҳозиргача мавжуд 42 та чопиқ, 18 та транспорт, 10 та ҳайдов тракторлари, 20 та култиватор ва сепалар сифатли ремонтдан чиқарилди. Бу ишларни тез ва соз амалга оширишда меҳнаткорлардан Холмуҳаммад Рўзиев, Турғун Холхўжаев, Тоҳир Мамедов, шунингдек, тоқар Рустам Исмолов, пайвандчи Раҳмонберди Зиедов ҳамда гемирчи Турсунбой Нортеевлар алоҳида жонбозлик кўрсатишди.

Булардан ташқари ҳўжаликда ариқ-зовурларни тозалаш, даладарга маҳаллий ўғит ташиб чиқариш ишлари ҳам намунали йўлга қўйилган.

Т. ТУҚЛИБОВ.

БОҒЛАРДА ИШ БОШЛАНДИ

ПАРКЕНТ районидagi Энгельс номли совхоз меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг ўттинчи йилида ҳам қишлоқ ҳўжалик экнларидан мўл ҳосил етиштириш учун шу кунлардан қизғин тайёргарлик кўришяпти. Бу ерда кузги-қишқи тадбирларини сифатли ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу кунгача 295 гектар майдондаги мезоворларга шакл берилиб, 700 гектардан зиёд тоқор ва боғлар яхоб сувига қондирилди. 45 гектар ердаги шпалерлар ремонт қилинди. Икки гектар майдондаги тоқорларга эса янги шпалерлар ўрнатилди.

Кузги-қишқи тадбирларини намунали йўлга қўйиш бўйича бўлимлар ўртасида ўтказилган социалистик мусобақада Турсунпўлат Нурматов бошқарётган 3-бўлим боғбонлари пешқадамлик қилишмоқда. Бу бўлим илчилари барча тадбирларни белгиланган муддатда, сифатли амалга ошириш учун бутун куч ва имкониятларини сарфлашяпти.

М. МИРКАМОЛОВ.

ҲИСОБИНИ БИЛГАННИНГ ХИРМОНИ ҚУТЛИ БЎЛУР

КОЛХОЗИМИЗ районидagi энг ёш ҳўналиклардан бири. Унинг ташкил этилганга энди икки йил бўлди. Бироқ ҳўжалигининг барча тармоқларини юксалтириш, эконоимикани мустақамлашда қувончли натижаларга эришмоқдалар.

Колхозимиз пахтакорлари ўтган йили катта сновдан ўтидилар. Улар юз берган табиий қийинчиликларни тадбиркорлик билан енгиб, «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштирдилар. Она-Ватанга 2350 тонна пахта етказиб берилиб, бу соҳадаги йиллик план ортиги билан бажарилиди. Колхоз бўйича ҳар гектар майдондан ўртача 31,4 центнердан ҳосил олинди.

Ўтган йили биз ҳар қарч ердан, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиб, деҳқончилик маданиятини янада ошириш чораларини кўрдик. 250 гектарга яқин ер капитал ва жорий текинланди, керакисиз ариқлар, йўллар тугатилди, нарталар йиритилди. Қўшимча равишда тўққиз километрга яқин дренаж-зовур қазилди.

Беш йилликнинг учинчи йили якунари ҳўжалигимизда ҳосилдорлигини янада ошириш ҳисобига пахта етиштиришни кўпайтириш мумкинлигини далолат бермоқда. С. Фахриддинов, М. Абдурахимов, Р. Назаралиев, С. Алиқулов ва М. Валиев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳар гектар ердан олинган ҳосил 33—36,5 центнерни ташкил этди. Бироқ А. Чўпонов, Р. Абдуллаев ўртоқлар етакчилиги қилган бригадаларда давлат пахта сотиш йиллик планлари бажарилиб қолди. Шунинг ҳисобига қабул пунктларига 100 тоннага яқин нам пахта топширилди. Б. Бобоев, А. Чўпонов, Д. Усмонов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ердан тўғри фойдаланилмади. Ҳўзани ўт босиб кетди. Яна ва чеканча ишлари кечитириб ўтказилди. Тўлиқ гектарлар ҳосил қилинмади. Бу эса ҳосилдорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатди, албатта.

Якунланган йилда қанол

ҳали техникдан тўғри фойдаланилмапти. Эҳтиёт қисмлар сотиб олиш ва техника ремонтига ҳамон қўллаб-маблағ сарфланяпти. Ўтган йили йўл қўйилган бир қатор камчиликлар оқибатида бир центнер пахтанинг таннарки планда белгиланганга нисбатан салкам 10 сўм, шунингдек, чорвачилик маҳсулотлари, пилла ва бошқа маҳсулотлар таннарки ҳам мўлжалдан қимматлашди.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь Пленумида меҳнат унумдорлигини планда белгиланганидан 1 процент ошириш, маҳсулот таннаркини 0,5 процент камайитиш мўҳим партиявий топшириқ эканлиги алоҳида таъкидланган. Ҳозир олдинда турган энг муҳим вазифа ана шу кўрсаткични оғишмай амалга оширишнинг резерв ва имкониятларини қидириб топиб, улардан унумли фойдаланишдан ибдоратидир.

Бу йилги режаларимиз янада улкан. Давлатга 2800 тонна пахта, 3 минг тонна қанол поиси, 200 тонна дон, 9 тонна пилла, 25 тонна гўшт, 470 тонна сўт ва 40 минг донга туҳум етказиб бериш мажбурийатини олганмиш. Бу йил биз меҳнат унумдорлигини планда белгиланганидан икки процент ошириб, маҳсулот таннаркини қўшимча камида бир процент арзонлаштириш учун курашамиз. Бу эса пахтачиликда камида 5500 сўм, чорвачиликда эса 3800 сўм маблағни тежаб қилиш имконини беради.

Ваъда вафоси билан гўзал. Ҳўжалигимиз аъзолари белгиланган бу юксак вазифаларни муваффақиятли бажариш учун кузги-қишқи тадбирларни ушшоқлик билан ўтказишмоқда. Айни кунларда даладарга маҳаллий ўғит ташиб чиқариш, ариқ-зовурларни тозалаш, техника ремонт ишлари қизғин давом эттирилмоқда.

Н. ҚИЕМОВ,
Янгйўл районидagi
«СССР 60 йилгига» колхозининг раиси.

ЯНГИ-ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАЙЛИК

Сайловчиларнинг Э. А. ШЕВАРДНАДЗЕ билан учрашуви

Тбилиси — Ленин сайлов округи сайловчиларининг СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод, КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Эдуард Амброзиевич Шеварднадзе билан 21 февраль кунини Тбилисда бўлиб ўтган учрашуви партия билан халқнинг меҳнаткам бирлигини намойиш қилди.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили, Тбилиси станоксозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тоқари Р. И. Кемоклидзе Э. А. Шеварднадзенинг ҳаёт йўлини гапириб берди, сайловчиларни сайлов кунини коммунистлар билан партиясизлар бунёдлаган буюм-бичимларнинг номзодлари учун овоз беришга чақирди.

Учрашувда сўзга чиққан кишилар совет кишилари партиянинг, партия ленинчи Марказий Комитетининг ички ва ташқи сийёсатини маълумлашди. Долгихнинг айтишича, жонажон Коммунист партияга астойдил ишониларини, унинг ички ва ташқи сийёсатини тўла-тўқис қўллаб-қувватлашларини билдирди.

Янгиланган ахли самийи кутуб олган Э. А. Шеварднадзе нутқ сўзлади. Сайлов олди кампанияси, сайловчилар билан бўлаётган учрашувлар, сайловнинг ўзи, деди у, тузумимиз чуқур демократизмининг, социалистик жамият афзалликларининг, реал социализм инсонпарварлигининг иқбол ифодасидир. Сайловдан сайловгача ўтган давр КПССнинг раҳбарлик роли янада кучайганлиги, советларнинг ҳўқуқлари кенгайиб, обрў-эътибори ўсган

лиги билан характерланади. Сайлов олди кампаниясининг якуновчи босқичи КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми қарорларининг мамлакат социал-иқтисодий ва иқтисодий-сийёсий турмушига самарали таъсири вазиятда ўтмоқда.

Яқинда мамлакат партия-миз билан давлатимизнинг раҳбари Юрий Владимирович Андропов билан видолашди. У Марказий Комитетининг ҳозирги босқичда партиянинг ҳар томонлама пухта ўйланган ва реалистик йўлини — ривожланган социализмни тақомиллаштириш йўлини ишлаб чиқиш соҳасидаги коллектив фаолиятига салмоқли ҳисса қўлди.

Ўртоқ К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари қилиб сайланганлигини барча коммунистлар, ҳамда совет кишилари табриклаб кутиб олдилар. У партия ва халқ орасида, халқаро коммунист ва илчилар ҳаракатида назарий ва амалий проблемаларни ишлаб чиқишга, ривожланган социалистик жамиятни янада тақомиллаштиришга катта ҳисса қўшган Ленин тинидаги йирик ташкилотчи эканлиги маълум. Меҳнаткашлар унинг дилкаш, партия ва давлат қурилишининг ленинча принципларига астойдил садоқатли эканлиги яхши биландилар.

Бизнинг сайловдиди учрашувимиз, деди сўзини давом эттириб, нотиқ, Грузия меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилидаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган юксак кўрсаткичлари учун сурнакча ўн биринчи марта КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВПСС билан ВЛКСМнинг кўма қилди байроғига сазовор бўлган бир вазиятда ўтмоқда.

Республика саноати ўтган йилги топшириқларини муваффақиятли ундашларига қўлай, умуман ўн биринчи беш йилликнинг уч йили учун белгиланган марраларга етиб ҳам олди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг техникавий-иқтисодий даражасини ва сифатини оширишда катта сийдиқлар рўй берди. Беш йиллик бошланганидан берли олий Сифат каттегориясидаги маҳсулотнинг салмоғи ошди. Бу маҳсулот бутун аттестациядан ўтказилиш лозим бўлган маҳсулотнинг жами ҳажмидан 50 процентдан ошиб кетди.

Экономиканинг аграр секторида бир талай муваффақиятларга эришилди. Қишлоқ ҳўжалик маҳсулоти етиштириш йилгига ўрта ҳисобда аввалги беш йилликка нисбатан қарийб 20 процент кўпайди. Халқ ҳўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда ҳам муҳим муваффақиятлар бор.

Ўртоқ К. У. Черненко КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленумида сўзлаган нутқида ҳўжалик ва маданий қурилиш проблемаларини ҳал этишга иқодий ёндашиш мўҳимлигини таъкидлади. Кейинги йилларда республикада экономика, маданият, бошқаруш соҳаларида кенг тус олган экспериментлар, изланишлар Грузия партия ташкилотларининг коммунист қурилиш ақтуал проблемаларига айна иқодий, илмий асосланган ҳолда ёндашганликларидан дарак беради. КПСС Марказий Комитетининг Сийёсий бюроси раҳбарлигида Грузия ССР иқтисодий экспериментлар маконида айланди, бу экспериментларнинг аҳамияти республика доираси билангина чекланмади.

(ТАСС).

АГИТПУНКТ ГА В Ж У М

Калинин номли ўрта мактабда жойлашган 3/67 сайлов участкаси доимо сайловчилар билан гавжум. Агитпункт яхши жиҳозланган. Бу ерда оммавий-сийёсий ишларга эътибор қўйиляпти.

Агитпунктда ёш сайловчилар билан ишланга алоҳида диққат билан қаралмоқда. Бу борада тадбирлар ишлаб чиқилган ва улар изчил амалга оширилмоқда.

У. КАРИМОВ,
Калинин райони.

СОВЕТ-АНГЛИЯ МАСЛАХАТЛАШУВЛАРИ

ВЕНА. Бу ерда ядро қуролли тарқатмасликка доир қўйилган масалалар ҳусусида Совет-Англия маслаҳатлашувлари бўлиб ўтди. Атом энергияси халқаро агентлигининг гарантйалари системасини мустақамлашга ва ядро қуролли тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг амал қилишини кўриб чиқишга бағишланган учинчи конференцияга тайёргарлик қўришга катта эътибор берилди.

(ТАСС).

«НАТОГА ВА ҚУРОЛЛАНИШ ПОЙГАСИГА ЙЎЛ ЙЎ!»

АФИНА. Афинада Грециянинг НАТОга қатнашишга қарши оммавий намойиш бўлиб ўтди. Намойишчилар «НАТОга ва қуролланиш пойгасига йўл йў!», «Нуклонсиз ажнобиёларнинг ҳарбий базалари!» деб қайта-қайта такрорладилар.

Халқаро кескинлигини кошатиш ва тинчлик учун курашувчи Афина комитети ташкил этган намойиш қатнашчилари ташқи ишлар министрлигига топширган резолюцияда мамлакатнинг Шимолӣ Атлантика блогида қийини тўғрисидаги талабни грек халқи тўла-тўқис маълумламоқда, деб ўқитирилади.

(ТАСС).

Америка Қўшма Штатларига таяниб йўл юритаётган Сальвадор режими мамлакат халқини қирғин қилиш сийёсатини ўтказмоқда. Режимнинг жазо отрядлари қўллаб-тихта аҳолини қувғин қилишяпти. Суратда: америкалик инструкторлар томонидан ўргатилган Сальвадордаги жазо отряди солдатлари.

Камера пресс—ТАСС
фотоси.

ТИНЧЛИК ҚУРАШЧИЛАРИНИНГ САФЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНДИ

БОНН. «Атом акали ҳам-маминга таҳдиди солади. Ев-ропада ҳеч қандай ядровий ракеталар бўлмасин!» деган ширини ўртага ташлаган «Крефельд хитобномаси» ташаббускорлари тинчлик учун, қуролшунинг пойгасига қарши курашчиларининг сафларини амалга оширдилар.

Кельнда бўлиб ўтган учрашувда улар Фарбий Германиянинг Америка «Першинг-1» ва қанотли ракеталари

учириладиган майдончага айлантирилишга, мамлакат территориясида химия ва бактериология қуроли бойлаштирилишга қарши бундан бунги ҳаракатларнинг кенг программасини қабул қилдилар.

Шу вақтгача «Крефельд хитобномаси» остига Фарбий Германиянинг беш миллиондан ортиқ граждани имзо чекди.

(ТАСС).

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

Қолхозлар, совхозлар, бошқа қишлоқ ҳўжалик ва суу ҳўжалиги ташкилотлари тарихи очеркларини ёзувчи муаллифлар учун област илмий-амалий семинари ўтказилди. У Ўзбекистон қолхоз ва совхозлари тарихи жамоатчилик институтининг Тошкент область партия комитети қосидаги филиали томонидан ўтказилди.

Семинарда Ўзбекистон қолхоз ва совхозлари тари-

хи жамоатчилик институти редакция-нашриёт бўлимининг бош редактори А. Зунунов, «Ўзбекистон» нашриёт редакцияси мудир, тарих фандари кандидати С. Муминов ҳўжаликлар очеркларини яратиш хусусиятлари тўғрисида доклад қилдилар. Ўзбекистон қолхоз ва совхозлари тарихи жамоатчилик институтининг Тошкент область партия комитети ҳузуридаги филиали илмий-

тадқиқот бўлими мудир Б. А. Каипов қишлоқ ҳўжалик ветеранлари эсдаликларини тўлаш соҳасидаги ишлардан гапириб берди.

Ангрен педагогика институти кафедра мудир, тарих фандари кандидати Э. Эгамбердиев, «Янгйўл» газетаси редактори М. Пейсенов, «Ленинчи» газетаси хозими Н. Қодиров, «Ўзбекистон» нашриёти катта редактори С. Абдукаримов, «Ленин байроғи» газетаси бўлим мудир Х. Сулаймоновлар ҳўжаликлар тарихи очеркларини яратиш устида олиб борган ишлари билан ўртоқлашдилар.

Семинарда Тошкент область партия комитетининг секретари, област филиали Советининг раиси А. М. Хўжаев нутқ сўзлади.



